

**«Капиталбанк» АТБ да
юридик шахслар ва якка
тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича Келишувга
18-ИЛОВА**

**Масофавий банк хизматлари тизими орқали банк омонатларини
очиш, хизмат кўрсатиш ва ёпиш
Тартиби**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур Тартиб мақсадларида қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Омонат – Мижоз томонидан, банк омонати Шартномасига мувофиқ фоиз ёки қўшимчалар билан ёки уларсиз, Банк билан Мижоз ўртасида келишилган муддатга Банкка жойлаштириладиган миллий валютадаги ёки хорикий валютадаги пул маблағлари суммаси;

Қўшимча кирим – Агар бу Омонат шартлари билан назарда тутилган бўлса, Шартноманинг амал қилиш даври мобайнида Мижоз томонидан Омонат суммасига қўшимча равишда пул маблағларининг киритилиши;

Байрам ва/ёки иш куни бўлмаган (дам олиш) кунлар – Банк томонидан банк фаолияти амалга оширилмайдиган календар кунлар;

Тартиб – мазкур Масофавий банк хизматлари тизими орқали банк омонатларини очиш, хизмат кўрсатиш ва ёпиш Тартиби;

Омонат ҳисобвараги – Мижоз томонидан банк омонати Шартномасига мувофиқ миллий валютада ёки хорикий валютада жойлаштирилган пул маблағлари ҳисоби юритиладиган банк ҳисобвараги.

1.2. Мазкур Тартибда кўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Келишувда кўлланиладиган маъно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб, Мижознинг омонатни жойлаштириш учун Аризасига (мазкур Тартибнинг 1-сон Иловаси) асосан Томонлар учун мажбурий тус олади (кучга киради) ва Мижозга масофавий банк хизматлари кўрсатиш тизими орқали орқали банк омонатларини очиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ёпиш бўйича Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари ва Ариза биргаликда Банк омонати Шартномасини (кейинги ўринларда — «Шартнома») ташкил этади.

2.3. Ариза Мижоз томонидан шахсан ёки ЭРИ орқали имзоланиши мумкин.

III. ПРЕДМЕТ

3.1. Мижоз пул маблағларини Омонатга кирим қиласи, Банк эса уларни қабул қиласи ва Шартномада белгиланган шартларда ва тартибда Омонатни қайтариш ва фоизларни тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Мижознинг аризасида қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- Омонат номи, тури (муддатли/жамғарма);
- Омонат валютаси, миқдори ва муддати;
- Омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси;
- Омонатнинг бошқа шартлари (муддатидан олдин қайтариш шартлари, Қўшимча бадал киритиш имконияти ва х.к.).

IV. ФОИЗЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАБ БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 764-моддасига мос равишида, Банк Шартнома билан ўрнатилган фоизларни омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилиган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварагидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ҳисоблайди.

4.2. Йиллик базавий давр сифатида 365 кун қабул килинади.

4.3. Омонатларнинг тўлаб берилиши ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилади. Агар фоизларни тўлаш куни Байрам ва/ёки иш куни бўлмаган (дам олиш) кунларига тўғри келса, тўлов куни дам олиш кунларидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

4.4. Омонат муддатидан олдин ёпилганида, фоизларни қайта ҳисоб-китоб қилиш Омонат шартларига мувофиқ амалга оширилади.

4.5. Омонатдан олинган даромадларни солиқка тортиш Ўзбекистон республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мижоз қўйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Банк розилиги билан Омонат муддатини узайтириш, тақдим этилган талабларни қондириш учун асосий ҳисобварагида пул маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли Мижозда 2-сон картотека шаклланган ҳолатлар бундан мустасно;

5.1.2. Омонатнинг бутун суммасини ёки унинг бир қисмини муддатидан олдин қайтариб олиш. Бунда, Мижоз ўз режаси тўғрисида омонатни муддатидан олдин қайтариш санасидан камида 1 (бир) ой аввал ёзма равишида огоҳлантириши лозим;

5.1.3. фойдадан солик бўйича имтиёzlари мавжуд ҳолатда, Шартнома тузитили пайтига имтиёzlар бўйича ёзма тасдикни (далил) тақдим этиш;

5.1.4. Банкда бир нечта омонат жойлаштириш.

5.2. Банк қуидаги хукукларга эга:

5.2.1. Шартноманинг амал қилиш даври мобайнида Мижознинг пул маблағларидан Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз мақсадларини таъминлаш учун фойдаланиш;

5.3. Банкнинг мажбуриятлари:

5.3.1. Мижознинг пул маблағларини Омонатга қабул қилиш ва Шартнома шартларига ва Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш;

5.3.2. Фоизларни Шартнома шартларига ва Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз муддатида ва тўлиқ хисоблаб бориш;

5.3.3. Омонат муддати тугаган куни Омонат суммасини ва тўланиши лозим бўлган фоизлар суммасини Мижознинг ҳисобварагига ўтказиб бериш. Агар маблағларни қайтариш куни Байрам ва/ёки иш куни бўлмаган (дам олиш) кунларига тўғри келса, Омонатни қайтариш дам олиш ёки байрам (иш куни бўлмаган) кунларидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

5.3.4. банк сирини ташкил этувчи ахборот ва маълумотларнинг махфийлигини кафолатлаш. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар факатгина Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тақдим этилиши мумкин.

5.4. Мижоз Аризада кўрсатилган Омонат суммасини Ариза берилганидан сўнг 3 (уч) банк иш кунидаги ўтказиб бериш мажбуриятига эга.

5.5. Томонларнинг ҳар бири, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир ўтказиши мумкин бўлган зарур ахборотни олиш хукуқига эга.

5.6. Томонлар Шартнома ва агар унга кейинчалик ўзгаришлар киритилса, шунингдек шу киритилган ўзгаришлар шартларига риоя этиш мажбуриятига эга.

5.7. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда хисобваракдаги пул маблағлари хатлов (арест) қилинганда ёки ҳисобварагида операциялар тўхтатиб турилганида, Омонат бўйича фоизларнинг ҳисбланиши, чекловлар олингунга қадар тўхтатиб турилади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун Амалдаги қонунчилик, Келишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгарликка эга.

6.2. Агар Банк томонидан Шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилиши лозим тўловлар муддатилари кечикирилса, Банк Мижозга ҳар бир кечиккан кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,01% миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 10%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

VII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Шартнома Ариза берилган кундан ва Банкка Омонат суммаси келиб тушган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргуналарига қадар давом этади.

7.2. Шартнома бекор қилинганда (тўхтатилганда) Омонат ҳисобвараги ёпилади.

7.3. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмаганда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.4. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Амалдаги қонунчилик ва Келишув билан тартибга солинади.

**Масофавий банк хизматлари тизими орқали
банк омонатларини очиш, хизмат кўрсатиш
ва ёпиш Тартибига
1-СОН ИЛОВА**

**Омонат жойлаштириш учун
АРИЗА**

Миллий/хорижий валютада муддатли/жамгарма депозит ҳисобвараги очишни ҳамда пул маблағларини қуидаги шартларда омонатга жойлаштиришни сўраймиз:

Омонат номи: _____

тuri: _____

омонат валютаси: _____

омонат миқдори: _____

омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси: _____

омонат муддати: _____

омонатни муддатидан аввал қайтариш шартлари: _____

Кўшимча кирим киритиш имконияти: _____